

МУСТАҚИЛЛИКДАН АВВАЛГИ ДАВРЛАРДА НИКОҲ-ТЎЙ МАРОСИМЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИЛМИЙ ЖИХАТЛАРИ

Дусназарова Мавжуда Илямоновна

Термиз давлат университети Юридик факультети

Фукоролик кафедраси ўқитувчиси

E-mail: m.dusnazarova@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларига бўлган даврларда никоҳ-тўй маросимларининг ўзига хос илмий жихатлари таҳлил қилинган. Бундан ташқари ушбу мақолада халқимизнинг никоҳ-тўй маросимлари борасидаги ажойиб урф-одатлари ҳамда маросимлари баён қилинган бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Калит сўзлар: *никоҳ, тўй, мустақиллик, XX аср, legal marriage, оила, «Бел қуда», Сурхон воҳаси, «Этак йиртиш», «қариши қуда», «куч куёв», «ич куёв», «вой-вой никоҳ».*

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются специфические научные аспекты брачных обрядов в годы независимости Республики Узбекистан. Кроме того, в этой статье описаны замечательные традиции и обряды нашего народа, касающиеся брачных церемоний, и каждый из них обсуждается отдельно.

Ключевые слова: *брак, свадьба, независимость, XX век, законный брак, семья, «Бел куда», Сурханский оазис, «Этак йыртиш», «вопреки куда», «сильный жених», «внутренний жених»,*

КИРИШ

Жамиятнинг энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оиланинг ибтидоси никоҳдир. Шунинг учун инсоният ибтидоий даврдан бошлаб махсус урф-одатлар тизими орқали оиланинг бирдам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган тадбир сифатида никоҳ маросимини ўтказиб келган. Бу тадбир жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал одат кейинчалик ёзма тарзда қонунийлаштирилган маросим тусини олган.

Никоҳ тўй маросимларида тўй бошланишидан тўй тугагунича бўлган даврдаги маросимларни уч гуруҳга: никоҳ тўйигача ўтказиладиган урф-одатлар, никоҳ тўйи даврида ўтказиладиган удумлар ва никоҳ тўйидан кейин ўтказилган расм-русумларга бўлиш мумкин.

Биз тадқиқ қилаётган Шимолий Сурхон воҳасида никоҳнинг «бел куда», «этак йиртиш» каби шакллари мавжуд бўлган. «Бел куда» удумида қалин ошна оғайнилар хотинларининг ҳомиладорлик даврида дунёга келадиган бўлажак ўғил ва қизларини бир-бирига атаб қўйганлар. Дунёга келган бу фарзандлар ўсиб-улғайгач бир-бирлари билан турмуш қуришган. «Этак йиртиш» маросимида эса туғилган ўғил ва қизни ота-оналарининг келишуви, розилиги асосида чақалоқларни чақалоқлик давридаёқ унаштириб қўйилган. Ўғил ва қизнинг чақалоқлик даврида бундай унаштиришлари Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам мавжуд бўлиб, «қулоқ тишлаш», «бешикдаги унаштириш», «бешик керти» деб номланган¹. Шунингдек, Афғонистонда яшовчи Ҳазора халқлари ҳам болаларини ёшлигидаёқ уларнинг қулоғини тишлатиб қўядилар. Буни ҳазоралар «қанд ушатиш» деб атайдилар².

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОД

XIX асрнинг охири – XX асрнинг биринчи ярмида Шимолий Сурхон воҳасида никоҳнинг левират, сорорат шакллари билан бирга «қарши куда», «куч куёв», «ич куёв», «вой-вой никоҳ» каби турлари ҳам мавжуд бўлган.

Левират ҳамда сорорат никоҳнинг энг қадимий шакллариандир³. Тадқиқ этилаётган даврда воҳада левират удумига кўра, вафот этган киши марҳумнинг беваси (воҳанинг Шалдиروق, Ободон, Тўла каби қишлоқларида «жесир» деб аталган)га ака ёки бўйдоқ укаларидан бири уйланган. «Жесир» эга деб, марҳумнинг қариндошлари бевани бегона уруққа беришмаган. Агарда ака-укалардан бирортаси «жесир»(бева)га уйланмаса, қариндош уруғлар тўпланишиб, «жер (ер)да қолса жиянники» (яъни жер (ер)да қолган жесир жиянники) деб, марҳумнинг жиянларидан бирига мажбурлаб бўлса-да уйлантиришган⁴.

Сорорат одати ҳам воҳада тадқиқ этилаётган даврда мавжуд бўлиб, бунда хотини вафот этган эр марҳуманинг опаси ёки синглисига уйланган⁵. Никоҳнинг левират ва сорорат каби шакллари кўпинча иқтисодий ва оилавий ҳаёт тақозоси туфайли ҳаётга жорий этиб келинган.

Шунингдек, воҳада ҳозирда ҳам «қарши куда» удуми кенг сақланган. Бу удум бўйича икки хонадон ўзаро бир-бирларига қиз олиб, қиз беришган.

¹Sattor M. O'zbek udumlari. –Toshkent: Cho'lpon, 2007. –B.23-25.

²Шомансурова О. Ҳазоралар. –Тошкент: Фан, 1972. –Б. 35.

³Қаранг: Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Тошкент, 1960. –Б. 128; Антропова В.В. Культура и быт кочев. –Л., 1971. –С. 106.

⁴Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Тўла, Ободон қишлоқлари.

⁵Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Хўжамулки қишлоғи.

«Қарши куда»чилик удумида воҳанинг иқтисодий ночор оилалари ўзаро келишиб, аҳволи ва имкониятларини ҳисобга олиб келиннинг сеп-сарпосини қилганлар. Лекин бир-бирларига қалин беришмаган. «Қарши куда»чилик удуми Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида ҳам мавжуд бўлган. Масалан, Фарғонада у «қайчи куда» деб аталган⁶.

«Куч куёв» удумида қалин бериб қизни олишга қурби етмаган уй-жойи йўқ, камбағал, етим йигитлар қайнотасининг уйида яшаб, қалин ҳақиға ишлаб беришган. «Ич-куёв» удумида эса ўғил фарзанди йўқ хонадон қизини бераётганда куёвни қайнотасиникида яшашни таклиф қилади. Куёв томони рози бўлгандагина йигит қайнотасининг уйида «ич-куёв» бўлиб келиб яшайди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

XIX аср охири – XX асрнинг биринчи ярмида Шимолий Сурхон воҳаси аҳолисининг маиший турмушида қизларни мажбурлаб турмушга бериш ҳоллари ҳам учраб турган. Бу «вой-вой никоҳ» удуми деб аталган. Бундай ҳолатларнинг айримларида қизлар мулла «ижоб» (никоҳ ўқилиши) қилиши учун «тан маҳрамлик»ка розилик беришмаган. Шундай вазиятда мулла қиздан розилик сўралаётганда орқа томондан қизнинг яқин бирор кишиси келиб билдирмасдан унинг биқинига қаттиқроқ бир туртади. Шу вақтда қиз «вой» деб юборганда қиз рози деб ижоб қилинган⁷. Агар келин бўлмиш «ижоб»сиз хомиладор бўлиб қолганда, кейин «ижоб» пайтида куёвнинг орқасига эшак тўқими боғланиб қўйилган. Куёв эшак тўқимини қўйдирмаса, мулла томонидан «ижоб» ўқилмаган⁸. Бу билан ёшларни исломий ҳамда ахлоқий қонун-қоидаларига риоя қилишлари талаб этилган ва шу тариқа қилган «гуноҳ»лари учун жамоа олдида изза қилинган.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Шимолий Сурхон воҳасида йигитларни 15-17 ёшдан уйлантиришган, қизларни эса 9-11-13 ёшдан турмушга беришган. Этнографик дала тадқиқотлари жараёнида ёши кекса кишилардан нима сабабдан қизларни тўққиз ёшдан бошлаб турмушга бергансизлар, деб сўралганда, биринчидан, қизлар тўққиз ёшдан «гуноҳ» ёшига тўлади, иккинчидан эса ҳар бир ота-она ўзининг ор-номусини ўйлаб қизларини имконият даражасида эртароқ турмушга берганликларини таъкидладилар.

⁶ Қаранг: Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщин туземного оседлого населения Ферганской области. –Казань, 1886. –С. 20.

⁷ Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Шалдиқроқ қишлоғи.

⁸ Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Тўхтамиш қишлоғи.

Марказий Осиёдаги бошқа халқлар сингари Шимолий Сурхон воҳасида ҳам тадқиқ қилинаётган даврда оила қуриш совчиликдан бошланади. Воҳада бу удумни «ковуш йиртар», «қўлни сўраш», «қўл солиш», «қиз кўриш», «қиз танлаш» деб ҳам айтилган. Одатда совчилар «кичик» ва «катта» совчиларга бўлинади. Кичик совчилар яъни, «макиян совчилар» асосан аёллар бўлиб, йигитнинг онаси ҳамда энг яқинларидан сўзамол аёллардан бири билан борган. Удумга мувофиқ совчиликка уч марта борилган. Албатта, совчилар «эшигингизни супуришга келдик», «эшигингизга қулчиликка келдик» каби сўзларни айтишиб сўнгра мақсадга ўтишган. Қиз томон розилик билдирса, совчилар олдига ёғли, тансиқ таомлар қўйишган, «қариндошлар билан маслаҳатлашайлик», «яна бир келасизлар» деб жавоб қайтарилган. Агарда «ҳали қизимиз ёш», «қизимизнинг боши боғланган», «бошқа томонларни ҳам кўрингизлар» дейилса, бу рад этиш аломатидир.

Кичик совчилар қиз томондан розилик олганларидан кейин «катта совчи»лар, яъни йигитнинг тоғаси қишлоқнинг сўзамол, ували-жували, ҳурматли кишиси билан бирга борган. Қиз томоннинг розилиги олингач, нон синдириш кунини белгилашган⁹.

«Фотиҳа тўйи» маросимини воҳанинг Хўжамулки, Чақар қишлоқларида «нон синдириш», Дашнобод, Бўйрачи қишлоқларида «нон ушатиш», Шалдиروق, Ободон қишлоқларида «ялоқ қизартар» маросими деб аталиб, бунда 4 та қатлама, 4 та патир, 4 кийимлик мато, 2 та бўйнига оқ рўмол боғланган қўй, мева-чевалар, ширинликлар, уларнинг ичида албатта кунжутли ҳолва бўлиши шарт бўлган¹⁰. Жуфт нон бўлажак келиннинг тоғаси ёки албатта бир никоҳли турмуш ўртоғи ҳаёт бўлган, ували-жували, оиласидан тинган, энг яқин қариндошлари томонидан синдирилган. Нон давра иштирокчиларга бўлиб берилган. Бу маросим икки ёшнинг эл олдида ўша кундан эътиборан унаштирилганлигининг ҳамда «фотиҳа хондаси» борлигининг нишонасидир. Маросимда қудалар ўртасида қалин бичилган. Воҳада белгиланган қалин пул, мол, буюмлар асосида тўланган. Масалан, қалин таркибида 20 та қўй, 1 бош бузоқли сигир ёки унинг бозор нархидаги пули, 20 та тўн ва бошқа турли

⁹Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Тўхтамиш, Обшир қишлоқлари; 2002 йил. Узун тумани Отчопар қишлоғи.

¹⁰Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Шалдиروق, Ободон қишлоқлари.

нарсалар келишиб олинган¹¹. Марказий Осиёнинг бошқа халқларида ҳам нон синдириш маросими мавжуд бўлган¹².

Шу ўринда воҳада никоҳ ўқилгандан кейин келиннинг маҳри куёв тарафидан белгиланган. Куёв мулкдор бўлса, мулкининг ёки чорвасининг муайян қисми, қимматбаҳо тақинчоқ (олтин, кумуш) тарзида келиннинг (умр йўлдошининг) маҳрини белгилаган. Белгиланган маҳрни (мулкни) ҳар қандай иқтисодий қийин шароитда ҳам хотиннинг рухсатисиз бирор-бир эҳтиёж учун ишлатиш мумкин бўлмаган.

Бу маросимдан кейин «келин қочув», «куёв қочув» каби удумлари бажарилган, бунда қиз йигитнинг, йигит эса қизнинг яқин қариндошларига ҳурмат юзасидан кўринмасликка интилишган. Бу пайтдан бошлаб икки ёшнинг ота-оналари бир-бирларини «куда», «кудагай» деб аташган¹³. Ўтказилган бу маросимлар замирида рамзий маънода бир-бирларини эътироф этиб, қариндошлик ришталари боғланган деб билишган.

Тадқиқ этилаётган даврда никоҳда айрим чеклашлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, воҳанинг тожиклар билан ўзбеклар, юзлар билан қатағонлар каби уруғлари ўртасида бир-бирларига қиз олиб, қиз беришмаган. Шунингдек, баъзи тоифалар – эшонлар, хўжалар, саййидлар ўзларини «оқ суяк», бошқаларни «қорача»лар деб, уларга қиз бермаганлар. Чунки, ўзларини ижтимоий жиҳатдан юқориноқ мавқеда деб билган хўжалар, саййидларда эндогам никоҳ тури қатъийлашган эди. Бу билан улар, гўёки, ўзларининг «наслий софлиги»ни сақлаб қолмоқчи бўлганлар. Аммо айрим ҳолларда ўғилларини «қорачалар» (хўжа бўлмаганлар – А.Қ.)дан ҳам уйлантирганликларини кузатиш мумкин. Хўжалардаги бу никоҳ тартиблари XX асрнинг 50-йилларигача қатъий сақланган эди. Бу одат Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжудлиги ҳақида айрим тарихий-этнографик адабиётларда тўхталиб ўтилган¹⁴. Табиийки, ҳозирги даврда мазкур уруғлар орасида никоҳ муносабатларида бу чеклаш деярли ўз аҳамиятини тобора йўқотиб бормоқда.

Анъанага кўра фотиҳа тўйига асосан қариндош-уруғлар ҳамда кўни-кўшнилар таклиф қилинган. Чунки, айнан фотиҳа тўйига қизини келган совчиларнинг бирига берганлигини намойиш этиш воситаси, тимсоли деб

¹¹ Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Тўла қишлоғи.

¹² Қаранг: Андреев М.С. Материалы по этнографии Ягноба (записи 1927-1928 гг.). – Душанбе, 1970. –С. 125; Абрамзон С.А. Кўрсатилган асар. –Б. 31.

¹³ Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Дунётепа қишлоғи.

¹⁴ Қаранг: Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент, 2001. –Б. 260; Бўриев О. ва бошқалар. Ўзбек оиласи тарихидан. –Тошкент, 1995. –Б. 85; Лобачева Н.П. Брак // Семейный быт народов СССР. –М., 1991. –С. 448.

қараш мумкин. Тўй куни куёв томонидан келин хонадонига «тўққиз жўнатиш», яъни «тўққиз товоқ» – келинга ҳар бири тўққиз хил бўлган нарсалар юборилган¹⁵. Келин хонадонига тўйи учун қалинда бичилган бир халта гуруч, бир халта оқ қанд ва ун, жовкади¹⁶, 20 та қўйнинг 10 тасини, 20 та тўн, келинга бўғча¹⁷, ҳамда шарондозларни¹⁸ 8 та қуда ва 2 та қўй ҳайдар олиб боради. Олиб борилган тўндан 9 таси куёв томондан борган қудаларга ҳамда битта қўй ҳайдарга берилади, иккинчи қўй ҳайдарга эса куёв томонидан тўн берилган¹⁹.

Фотиҳа тўйидан кейин қиз томон куёв томонга «идиш қайтарар» удумини бажарган. Бунда 1 та қўйни сўйиб, 20 та патир пишириб, куёвга тўн ва бош-оёқ сарпо ҳамда куёвнинг яқин қариндошларига сарпо қилиб қайтарган. Бу удум воҳада «идиш қайтарди» деб номланган. Шундан кейин «қонжиға табоқ»²⁰ удуми бажарилиб, бунда йигит томон келинга 8-10 сидра кийимлик мато, бир қўй сўйиб, қўйнинг учаси (сонини), тўшидан ҳамда ширинликлар, мева-чевалар олиб, куёвнинг ўзи ва яқинларидан бирор киши билан бирга борган²¹. Шундан кейин йигит ва қиз вақти-вақти билан яширинча учрашиб турган. Бу «қаллиққа бориш» деб ҳам аталган. Бу учрашувлар келиннинг онаси ёки янгаси томонидан уюштирилиб, кечаси қизнинг уйида ёки қўшнисиникида яширинча бўлиб ўтган²². Бу учрашув воҳанинг Хуфар, Киштут қишлоқларида «қангал бози» ҳам деб аталган²³. Бу удумни К. Шониёзов ўзбек қарлуқларида ва қипчоқларида, Н. Калмаков қирғиз халқларида ҳам мавжудлигини қайд этган²⁴.

Никоҳ тўйи маросими Денов тумани Орғун қишлоғида «ижоб тўйи», Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғида эса «катта ялоқ қизартирар тўйи», Қумқўрғон тумани Хўжамулки қишлоғида «уй туширар тўй» ва ўзбек-лақайларда «овмин тўйи»²⁵ деб номланган. Никоҳ тўйидан бир кун олдин кечқурун куёвникида «илиқ табоқ» маросими ташкил этилган. Бунда қишлоқ аҳолиси куёвникига чақирилиб ош берилади. Дастурхон ўртасига рўмол ташланади ва келган одамлар имкониятига қараб пул ташлашади. Аёллар эса

¹⁵ Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Оқжар қишлоғи.

¹⁶ «Жовкади» – ёғ кади бўлиб, унга ёғ солиб юборилган.

¹⁷ «Бўғча»га келин учун кийимлик, кўрпалик матолардан ҳамда рўмоллари ва бошқа нарсалари солинган.

¹⁸ «Шарандоз» – келиннинг кўрпаси учун астарлик.

¹⁹ Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Ободон қишлоғи.

²⁰ «Қонжиға табоқ» – бу удумда куёв ҳам бориб келиннинг қўшниси ёки яқин қариндошининг уйида туради ҳамда келин билан шу ерда илк марта учрашади.

²¹ Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Шалдирок қишлоғи.

²² Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Қумпайкал қишлоғи.

²³ Дала ёзувлари. 2001 йил. Сариосиё тумани Хуфар, Киштут қишлоқлари.

²⁴ Қаранг: Шаниязов К. Ўзбеки-қарлуки. –Ташкент, 1964. –С. 124; Шу муаллиф. К этнической истории узбекского народа. –Ташкент, 1974. –С. 133; Калмаков Н. Қўрсатилган асар. –Б.277.

²⁵ Жўраев М. Овмин тўй // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1992. -№2. – Б. 10.

рўмол ва кийимликлар беришган. Ана шу тўпланган кийимликлар эртаси куни келиннинг уйига юборилган²⁶.

Воҳа ўзбекларида никоҳ тўйида фотиҳа тўйдан қолган 6 та қўй, 15-20 сидра кийимлик мато, бир халта гуруч, бир халта ун, бир халта оқ қанд, жовкади (ёғ солинган идиш), мева-чева олиб борилган. Куёв томонидан иккита совчи билан бирга иккита «қудағай»²⁷ борган. Шу куни кечқурун куёв ва куёв жўралари ҳам келиннинг уйига ташриф буюришган. Куёв келинникига «қирқ табок» (40 табок)²⁸ олиб келган. Куёв келин хонадонига кираётганида ҳурмат юзасидан юзига белбоғини чиммат қилиб тутиб олган. Остонага солинган пойандозни куёв босиб ўтгандан кейин куёв жўралар ҳам куёв бўлишни ният қилишиб, пойандозни бўлакларга бўлиб олишган²⁹.

Куёв келтирган «қирқ табок» берилиб, куёв ва куёв жўралар махсус тайёрланган хонага киритилган ҳамда «куёв юз очмади», «куёв ўтирмади», «таниш табок»³⁰ каби удумлари ўтказилган. Шундан кейин ижоб қилишга рухсат этилган. Келин томондан битта вакил, куёв томондан битта вакил келин турган уйга киради. Шу ерда воҳа аҳолисига хос бўлган «келин топар», «келин танлаш» удуми бажарилади. Шимолий Сурхон воҳасининг Лўкка, Хайрондара каби қишлоқларида бу «келин танлаш» удуми дейилиб, ундан келин тарафдан танланган беш-олти қиз бир хил кийимда юзларини ёпиб энгашиб ўтиришади. Албатта, шу қизларнинг ичида келин ҳам бўлган. Куёв ана шу қизлар орасидан келинни топиб олиш керак бўлган. Агар келин деб, адашиб бошқа қизни танласа, ўша қизни совға-саломлар бериб, рози қилиши шарт бўлган. Токи куёв келинни топгунча бу одат давом этаверган³¹.

Воҳанинг Шўрчи тумани Тўла, Ялти, Ободон қишлоқларида эса бу одат «келин топар» удуми дейилиб, бунда куёв эмас, балки келиннинг розилигини сўрашга куёв томондан келган вакилга аввал келинни топинг кейин вакил (розилик) сўрайсиз деб, катта рўмол ёпиниб, келин бўлиб ўтирган беш-олти

²⁶ Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Лўкка қишлоғи.

²⁷ «Қудағай» – куёв томонидан юборилган қудалар.

²⁸ «Қирқ табок» (40 товоқ) – бунда куёв томондан келиннинг уруғларига, яъни онасидан тортиб то тоға ва холава-чаларигача сарпо берилиб, бунда онасига, момосига 6-4 сидра; Янга (чеча)лари, опалари, аммалари, холаларига 2-3 сидрадан; амакиларига ҳам 1-2 сидрадан сарполар солинган.

²⁹ Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Қумпайкал қишлоғи.

³⁰ «Таниш табок» – Шимолий Сурхон воҳасининг Шалдирик, Ободон қишлоқларида «таниш табок» Тўхтамиш, Обишир қишлоқларида «тўққиз табок» удуми деб номланиб, бунда куёв ва жўралар учун қайнатма шўрва, палов, ширгуруч, чучвара, қатлама, филминди, қовурилган тухум, юпка, лочира каби 9 хил таом 9 та идишда киритилган. Бу таомлар куёв ва жўралар томонидан еб бўлингач, ҳар бир бўшаган идишларга пул ёки матолар ташлаганлар. Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Шалдирик, Ободон қишлоқлари; Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Тўхтамиш, Обишир қишлоқлари.

³¹ Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Лўкка, Хайрондара қишлоқлари.

қизларни кўрсатишган. Келинни топиш учун аввал келиннинг дугоналарига рўмол, матолар ва совғалар берилиб рози қилинади, сўнгра қизлар келинни кўрсатадилар. Шундан кейин, борган вакиллар келиннинг жуда яқинига бориб «никоҳи жуниб вакилини фалонча тоғамга бердим» деб айтишни буюради. Номи айтилган тоға «қиз ота» ҳисобланади. Тонгга яқин келиндан розилик жавоби олинган. Келиндан розилик жавобини олган вакиллар қизнинг уйига қайтиб келиб, куёв ва «қиз ота»ни никоҳ қиладиган мулла олдиға киритиб, «қиз ота»дан розилик сўралади. «Қиз ота» ҳам маълум вақт розилик сўралаётганини эшитмасликка олиб индамасдан розилик бермай турган. Шу боисдан воҳада уни «Гунг ота», «Кар ота» ҳам деб аташган. «Қиз ота»га тўн, пул берилиб розилиги олинади. Шундан кейин икки гувоҳ иштирокида никоҳ ўқилган. Никоҳ ўқилгандан сўнг ёш келин-куёв ширин сув ичган. Ширин сувни аввал куёв сўнгра келин, қолганини шу ерда ўтирганлар ичишади. Одатга кўра никоҳ ўқиладиган вақтда шу жойда ўтирган кишилар қўлларини қовуштирмаслик, қулф ва кишанларни очиш, бирон бир нарсани тугмасликлари керак дейилган.

Келинга қилинган кўрпа-тўшаклар турган хонага келиннинг яқин қариндошларидан бўлган бир никоҳли, ували-жували икки эркак чимилдиқ тутади. Келиннинг қариндоши бўлган бир никоҳли аёл эса келин-куёв учун жой тайёрлайди. Шундан кейин куёв жўраси билан чимилдиқ ичига киритилади.

Воҳанинг тоғли туманларида куёв юзи кўринмаслиги учун белбоғини ёпиниб хонага киритилади. Шу вақтда «ит ирриллатар» удуми баражарилади³². Тўйда сўйилган қўйнинг териси келин турган хона бўсағасига тўшалади. Келин шу териға бир ёш бола билан ўтирғизилади. Келиннинг дугоналари эса уни чимилдиқ олдиғача кўтариб олиб келади ва куёв келиннинг қўлидан чимилдиққа тортади. Дугоналар эса ҳазил-мутоиба билан келинни бермасликка ҳаракат қилишиб орқаға тортишади. Келинни яқин дугонаси чимилдиққа олиб киради.

Сўнгра «оёқ босар», «елка кўҳлар», «қўл ушлатар», «соч сийпатар», «ойна кўрсатар», «ўрин солди», «тўн ёпди» удумларини келиннинг яқинлари бажаришади. Шундан кейин келин-куёв ўтиришиб, «куёв ош емади» удуми ташкил этилади. Бунда куёв олдиға дастурхон тортилиб, унга ноз-неъматлар

³²Куёв чимилдиқ тутилган хонага кираётганида эшикнинг ичкари икки ён томонида икки кампир туришиб, улар итга ўхшаб «ир-р», «ир-р» деб турганлар. Куёв уларни рози қилиб ичкариға кирган. Дала ёзувлари. 2002 йил. Узун тумани Ойбулоқ қишлоғи. Бу удум қозоқларда ҳам ўтказилган. *Қаранг:* Лобачева Н.П. К истории положения института свадебной обрядности // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. –М.: Наука, 1978. –С. 155.

қўйилган. Куёвга «қари-жилик»³³ келтирилади. Охирида куёв тўшак тагига пул ташлайди ҳамда чимилдикнинг ўнг тарафини ечиб, келиннинг бўйнидаги мунчоқни узиб олиб чиқиб кетади.

Ижоб тўйининг эртаси куни оқшомда куёв куёвлик либосларини кийиб жўраси биргаликда келиннинг уйига совға саломлар билан келади. Улар иззат-икром билан кутиб олинади. Шу тариқа куёвнинг «меҳмонли» ташрифи давом этиб турган. Орадан йиллар ўтиб, фарзандли бўлса бобо-момосининг уйида туғилди деб, ўғил бўлса, Бобохон, Бобомурод, қиз бўлса Момохол, Момогул деб исм қўйилган. Шимолий Сурхон воҳасида бу удум XX асрнинг 60-йилларигача ҳам мавжуд бўлган. Мисол учун, 1943 йилда туғилган Умбаров Холмурод, 1947 йилда туғилган Ҳакимова Кумушга 1965 йилда ижоб қилинади. 1966 йилда ўғил фарзандли бўлиб исмини Бобохон қўйган. 1968 йилда Кумуш билан Холмуроднинг катта тўйлари, яъни «келин туширар» удуми ўтказилган³⁴.

Энг эътиборли тарафи шундаки, орадан бир неча йиллар ўтишига қарамасдан «келин» одатдагидек удумлар асосида куёв хонадонига олиб кетилган. «Келин тушириш»³⁵, «уй курди», «уй туширди», «ирга кўтарди»³⁶ таомилига асосан куёв томондан келин хонадонига 2 та қўй, мева-чева, паранжи, чиммат, оқ рўмол, бош-оёқ сарполар ҳамда безатилган от олиб борилган. Отнинг ўнг жоловига оқлик боғланган. Бу «оқлик боғлаш» удумини асосан қиз томон бажарган³⁷.

«Келинни кийинтириш» расмида келиннинг қизлик даврида сочи олди томонга ўрилган. Келин бўлаётганида қулоқнинг орқа томонига иккита қилиб ўрилиб, йўли оқ бўлсин деб, учига оқ пахта боғланган. Келиннинг сочини асосан бир никоҳли, ували-жували, аёллар ўрган ва кийинтирган. Юзига чиммат тутилиб, паранжи ёпилган. Келин жўнаётганда остонада отасининг оёғини тавоф қилади, отаси эса берган тузимга розиман, деб дуо беради. Отга минишда отасининг ўнг елкасига ўнг оёғини қўйиб минади. Ота оқ фотиҳа бергач, жўнатилган. Келин отга минганда олдига саккиз, тўққиз ёшдаги ўғил бола миндирилиб, икки томонда бир никоҳли киши гулхан ёқиб ўртасидан отни ўтказганлар.

³³ «Қари жилик» – куёвимиз қариб кексайиб юрсин деб, чимилдик ичига куёв олдига қўй илиги (жилик) солинган таом келтирилган.

³⁴ Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Ободон қишлоғи.

³⁵ Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Вахшивор қишлоғи.

³⁶ «Ирга кўтарди» – қизини кўчирди маъносида. Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Хўжамулки қишлоғи.

³⁷ Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Дунётепа қишлоғи.

Шунингдек, келинни куёв хонадонига олиб кетишда «арғамчи тутиш», «йўл тўсар», «бақон тутиш»³⁸ удуми ҳам бажарилган ва «ёр-ёрлар» айтиб борилган.

Куёв хонадонига ҳам келинни тушириб олишда йўлнинг икки томонига гулхан ёқилган. Келинни «олдига чиққан отаси» отдан тушириб олгандан кейин «олдига чиққан онаси» етаклаб келинни чимилдиқ тутилган хонага олиб киради. Келинни қўйда йовош бўлсин, деб хонанинг бўсағасига қўй терисидан қилинган пўстак тўшаб қўйилган. Шунингдек, келин отдан тушиши билан қайнонаси келин-куёвнинг чимилдиқ тутиладиган хонасига кириб ўзининг устига оғирроқ нарсани, кўпинча пўстак ташлайди. Бу қайнонанинг оғир-босиқ бўлишига ишорадир. Келин тушиб келган куннинг эртасига «бет очар» таомили ўтказилган. Келиннинг олдига чиққан онаси уни келинлик либосида ташқарига олиб чиқади. Дастлаб келин «ёғ қуйиш» удумида ўчоқ бошига бориб, ўнг қўли билан ўчоққа икки қошиқ мой тўкади³⁹, сўнгра итнинг жалоғи (ялоғи)га⁴⁰ ва отнинг қозиғига жуфт таъзим қилади. Булар рўзғорнинг қут-баракали бўлишига ишорадир. «Бет очар»га яқин қариндошлар, қўни-қўшнилар ташриф буюрганлар. Келин уларнинг қаршисида таъзим қилади.

Кайвони кампир томонидан «келин салом» удуми ўтказилиб, куёвнинг ака-укалари ва яқин қариндошларидан мол-бисот сўралади. Масалан, куёвнинг тоғасидан сиз нима берасиз деб сўралади. Шунда тоғаси бир қўзили қўй бердим деб айтади. Сўров шу тарзда давом этиб охирида қайнота ва қайнонага навбат келади. Қайнота туриб келинига соғимдаги сигирни, қўрадаги қўйни бердим, қайнона эса жўжали товукни, бутун рўзғорнинг ризқи жамланган супрани, ризқ улашган қозон-товукни бердим дейди.

Сўнгра «юз очди» («бет очди») удуми бажарлади. Бунда куёв томондан 4-5 ёшдаги ўғил бола қўлига пахта сабов (савачўп) саваш чўпи берилади. Пахта сабовнинг бир учига пахта ўралиб қўйилади. Сабовнинг пахта ўралмаган учидан ушлаб секин келиннинг юзига тутилган чимматига текизиб, аста секин келиннинг юзидаги чимматни тортиб олади. Келиннинг юзини очган болага белбоғ, дўппи каби нарсалар совға қилинади⁴¹. Келин юзидаги чиммат

³⁸ Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Арслонбой қишлоғи. Ўзбек қипчоқларида бақон тутиш удуми «мағулок» деб аталган. Қаранг: Шаниязов К. К этнической истории узбекского народа... –С. 317.

³⁹ Ўчоғи мойли бўлсин деб ўчоққа мой тўкилган. Дала ёзувлари. 2002 йил. Узун тумани Эшон қишлоғи.

⁴⁰ Итдай ризқли бўлсин деб келин итнинг ялоғига таъзим қилади. Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Чеп қишлоғи.

⁴¹ «Юз очар» удуми ҳақида Бобур ҳам маълумот берган: «Яна бир Хонзодабегим эди, Тирмиз хонзодаларидан эди. Мен Самарқандга беш ёшимда Султон Аҳмад мирзо қошига келган фурсатда олиб эди. Хануз юз ёпуғи бор

чимилдиқ устига ташлаб қўйилади. Келиннинг бошидаги паранжи олиниб, келин оғир бўлсин деган маънода бошига қайнотасининг чопони ёпиб қўйилган.

«Бет очар» удумидан сўнг келинни уй эшигига рўпара қилиниб, эшикнинг устига келин томондан махсус тайёрланган «эшик илув», «сеп ташлар» удуми бажарилган. Бунда эшик устига кигиз⁴², айримлар гилам⁴³, баъзан кўрпа⁴⁴ ташлаб қўйилади. Келин эса ошхона эшиги олдида олиб келинади ва кайвонининг кўрсатмаси билан у эшикнинг ўнг ва чап ҳамда бўсағасини тавоф қилади. Келинга оғзини юмиб, кўзини очиб, бўсағадан ўнг оёқ билан кириши уқтирилади. Келин ичкарига кириб ўтиради ва унинг олдида супра очиб қўйилади. Келин супрада ун элайди⁴⁵. Тавокда пичоқ билан қуйруқ тўғрайди. Бу расм-русумлар бажарилиб бўлгандан сўнг келинга ташқарига чиқиб уй-рўзғор ишларига қарашишига рухсат берилади. Шу пайтдан бошлаб келин куёв хонадонининг ҳақиқий бекаси ҳисобланган. Шундан сўнг воҳада «келин чилла», «келин кўрди», «қиз чақирди», «куёв чақирди», «куёв салом», «қуда чақирди» каби удумлар ҳам бажарилган.

ХУЛОСА

Албатта, бу маросимларининг замирида ўзбек халқининг, жумладан, воҳа аҳолисининг қадим тарихи билан боғлиқ халқ анъаналари, урф-одатларининг нақадар серқирра эканлиги ўз аксини топган. Зеро, ўзбек халқининг маънавий маданиятида тўйлар билан боғлиқ анъаналар, урф-одат ва турлича маросимлар этник, ҳудудий фарқларга эга бўлганлигини кўриш мумкин.

Анъанавий ўзбек тўйлари XX асрнинг 50-60-йилларига келиб аста-секин трансформацияга учрай бошлади. Айниқса, бу тўйларда ўтказиладиган базмларда, халқ ўйинларида, айрим урф-одатларда яққол намоён бўлди. Аёллар ва эркаклар базми алоҳида эмас, европача андазадаги кийимлар (фата, костюм-шим) кийган келин-куёвлар иштирокида «қизил тўй», «комсомол тўй» тарзида ўтказила бошланди. Бу ҳолат Совет ҳукуматининг «жамоалаштириш» сиёсати ҳамда аҳолини тоғ ва тоғ олди қишлоқларидан текисликдаги янги ўзлаштирилган ерларга мажбуран кўчириш тадбири билан боғлиқ эди. Чунки, ижтимоий мулкчиликка асосланган бу жамиятда миллий анъаналар, қадриятлар

эди. Туркона расм била манга буюрдилар, мен юзини очтим». / Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 21.

⁴² Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Хўжамулки қишлоғи.

⁴³ Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғи.

⁴⁴ Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Остона қишлоғи.

⁴⁵ Супра билан боғлиқ удумлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлган. Қаранг: Бўриев О., Усмонов М. Супрадаги сирлар // Фан ва турмуш. –Тошкент, 1995. –№3. –Б. 13.

топталиб, гўёки «замонавий» бўлган иноэтник анъаналар ҳам тарғиб этила бошланди. Бу жараён айниқса шаҳарлар (Денов, Юрчи) ва шаҳарларга яқин бўлган йирик қишлоқлар (Элбаён, Ҳазарбоғ)да жадал кечди. Шундай бўлса-да, этник анъаналарнинг умумлашган, ўзгарган, аралашган шакллари XX асрнинг 70-80-йилларида ҳам яхши сақланиб қолган эди. Айниқса, ўзига хос этник хусусиятлар кўпроқ моддий маданиятда эмас, халқ маънавий маданиятининг бир қисми бўлган тўй маросимлари, оилавий анъаналар, халқ байрам ва ўйин-томошаларида сақланиб қолганлигини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Шимолий Сурхон воҳаси аҳолиси қадимдан Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари аҳолиси билан муштарак этномаданий алоқада бўлиб, турмуш қийинчиликларини бартараф этишда, тўй-маъракалари ва бошқа маросимларни ўтказишда ҳамжиҳат бўлишган. Воҳа аҳолиси тўй маросимларида бой маънавий ҳаёт ва маданий мерос ўз аксини топган. Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида шунга амин бўлдикки, воҳада икки хил хўжалик-маданий типларига мансуб бўлган этносларнинг ўзига хос хусусиятлари ёрқин намоён бўлган. Жумладан, қадимдан асосий машғулоти деҳқончилик ва ҳунармандчилик бўлган ўзбек чиғатойлар, хўжалар, тожиклар никоҳ тўйи маросимларида асосан деҳқончилик билан боғлиқ удумлар устун бўлиб, бунга никоҳ маросимларида рамзий тарзда ишлатиладиган буғдой, анор, майиз, қанд-курслар, ун, асал, ширин чой ёки маросимий пишириқлар – тухум ва турли гуручли таомлар тайёрлашни киритиш мумкин. Шунингдек, айнан бу гуруҳга тегишли келин-куёв устидан ширинликлар, буғдой ва танга сочиш, биргаликда ойнага қараш, исирик тутатиш, уларнинг кийимларини ип билан тикиб қўйиш, келин куёвникига олиб келинганда маросимий поклаш учун гулхан ёқиш, келиннинг юзини очишда мевали дарахтнинг шохидан фойдаланиш каби одатларга амал қилинган. Ўз навбатида минтақадаги анъанавий машғулоти чорвачилик билан боғлиқ бўлган ярим ўтроқ қатағон, қўнғирот, юз каби ўзбек уруғлари никоҳ тўйи маросимларида чорва моллари, айниқса қўй билан боғлиқ расм-русумлар ўтказишган. Масалан, совчиларнинг ўзаро келишувидан кейин қўйнинг жигари ва ёғидан маросимий таом пишириб жўнатиш, куёвнавқарга борган куёв ва унинг дўстларига қўйнинг тўши қўйилиши, маросимий таом сифатида қўйнинг гўштидан шўрва тайёрланиши, қўйнинг пўстагига келинни ўтирғизиш ёки юргизиш кабилар. Булар воҳа аҳолиси анъанавий тўйларининг ранг-баранглиги ва этнохудудий ва этномаданий жиҳатдан ўзига хослиги билан ажралиб туришидан далолат беради.

REFERENCES

1. Sattor M. O'zbek udumlari. –Toshkent: Cho'lon, 2007. –Б.23-25.
2. Шомансурова О. Ҳазоралар. –Тошкент: Фан, 1972. –Б. 35.
3. Косвен М.О. Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. –Тошкент, 1960. –Б. 128; Антропова В.В. Культура и быт кояков. –Л., 1971. –С. 106.
4. Наливкин В.П., Наливкина М. Очерк быта женщин туземного оседлого населения Ферганской области. –Казань, 1886. –С. 20.
5. Андреев М.С. Материалы по этнографии Ягноба (записи 1927-1928 гг.). – Душанбе, 1970. –С. 125; Абрамзон С.А. Кўрсатилган асар. –Б. 31.
6. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. –Тошкент, 2001. –Б. 260; Бўриев О. ва бошқалар. Ўзбек оиласи тарихидан. –Тошкент, 1995. –Б. 85; Лобачева Н.П. Брак // Семейный быт народов СССР. –М., 1991. –С. 448.
7. Шаниязов К. Узбеки-карлуки. –Ташкент, 1964. –С. 124; Шу муаллиф. К этнической истории узбекского народа. –Ташкент, 1974. –С. 133; Калмаков Н. Кўрсатилган асар. –Б.277.
8. Жўраев М. Овмин тўй // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1992. -№2. – Б. 10.
9. Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Лўкка, Хайрондара қишлоқлари.
10. Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Ободон қишлоғи.
11. Дала ёзувлари. 1999 йил. Олтинсой тумани Вахшивор қишлоғи.
12. Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Дунётепа қишлоғи.
13. Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Арслонбой қишлоғи.
14. Turdialiev, M. A. (2022). THE LEGAL ISSUES OF METAVERSE AND PERSPECTIVES OF ESTABLISHMENT OF INTERNATIONAL FINANCIAL CENTER IN METAVERSE. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(8), 239-249.
15. Kinza Fatima, & Mukhammad Ali Turdialiyev. (2022). UNDERSTANDING THE SOCIAL CHANGE AND DEVELOPMENT IN THE “THIRD WORLD”: A BOOK OVERVIEW. *World Bulletin of Management and Law*, 6, 1-2. Retrieved from <https://scholarexpress.net/index.php/wbml/article/view/439>
16. Ammar Younas, & Turdialiev Mukhammad Ali Polatjon Ogli. (2021). Special Features Of International Financial Centres And Its Establishment In Uzbekistan . *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 3(08), 17–21. <https://doi.org/10.37547/tajpslc/Volume03Issue08-04>
17. Юнас А., Каландаров А., & Турдиалиев М. А. (2022). Правовой прогресс законодательства об электронной торговле в Центральной Азии в период

- COVID-19. *Общество и инновации*, 2(6), 170–176. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss6-pp170-176>
18. Turdialiev, M. A. (2021). REGULATION OF MNES BY DOMESTIC AND INTERNATIONAL POLICIES. *Збірник наукових праць SCIENTIA*.
19. Younas, A. ., & ogli, T. M. A. P. . (2021). Multinational Enterprises in Global Market Economy. *International Journal of Development and Public Policy*, 1(7), 137–143. Retrieved from <https://www.openaccessjournals.eu/index.php/ijdpp/article/view/820>
20. Турдиалиев, М. А. (2020). Эркин иқтисодий зоналар доирасида инглиз ҳуқуқини жорий этишнинг хориж ва миллий тажрибаси. *Юрист Ахборотномаси*, 1(6), 151-158.
21. Turdialiev, M. A., & Komilov, B. (2020). The Legal Issues Of International Investment Activity In Uzbekistan: Critical Analysis And Legal Solutions. *The American Journal of Political Science Law and Criminology*, 2(12), 16-21.
22. Polatjonogli, T. M. A., & Abdulajonovich, S. M. (2022). HUNTING A SUITABLE TYPE OF LEGAL ENTITYFOR CENTRAL ASIAN BUSINESSMEN IN CHINA. *IJTIMOIIY FANLARDA INNOVASIYA ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(1), 75-77.
23. Akramov, A., Mirzaraimov, B., Akhtamova, Y., & Turdaliyev, M. A. (2021). Prospects For The Development Of Trust Management In Uzbekistan. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12(4).
24. Narziev, O. (2021). The Perspectives Of The Establishment Of International Financial Centers In Uzbekistan And The Implementation Of English Law. *Turkish Journal of Computer and Mathematics Education (TURCOMAT)*, 12(4), 1104-1108.
25. «Юз очар» удуми ҳақида Бобур ҳам маълумот берган: «Яна бир Хонзодабегим эди, Тирмиз хонзодаларидан эди. Мен Самарқандга беш ёшимда Султон Аҳмад мирзо қошига келган фурсатда олиб эди. Ҳануз юз ёпуғи бор эди. Туркона расм била манга буюрдилар, мен юзини очтим». / Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1989. –Б. 21.
26. Дала ёзувлари. 1997 йил. Қумқўрғон тумани Хўжамулки қишлоғи.
27. Дала ёзувлари. 1998 йил. Шўрчи тумани Оқтумшук қишлоғи.
28. Дала ёзувлари. 2000 йил. Денов тумани Остона қишлоғи.
29. Супра билан боғлиқ удумлар Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам бўлган. *Қаранг*: Бўриев О., Усмонов М. Супрадаги сирлар // *Фан ва турмуш*. – Тошкент, 1995. –№3. –Б. 13.